

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ НУТҚ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

Ўткуржон Ҳосилжонович ИСЛАМОВ

Филология фанлари номзоди, ўқитувчи

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент, Ўзбекистон.

МЫСЛИТЕЛИ ВОСТОКА О КУЛЬТУРЕ РЕЧИ

Уткуржон Ҳосилжонович ИСЛАМОВ

кандидат филологических наук

преподаватель

Государственный институт искусств и культуры Узбекистана, Ташкент, Узбекистан

INTERPRETATIONS OF EASTERN SCIENTISTS ON THE CULTURE OF SPEECH

Utkurjon Hosiljonovich ISLAMOV

Candidate of Philological Sciences, Teacher

The Uzbekistan State Institute of Arts and Culture, Tashkent, Uzbekistan islamov70@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): - 008.-5 КБК:83.7(5УЗБ)

**For citation (иктибос келтириш учун,
для цитирования):**

Исламов Ў. Ҳ. Шарқ алломалари нутқ маданияти ҳақида. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020. — № 5 (34). — Б. 262-272

<https://doi.org/10.36078/1612855230>

Received: October 20.2020

Accepted: November 25.2020

Published: December 20.2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Ушбу мақолада нутқ маданияти ва одобининг тарихий илдизлари ҳақида фикр юритилган. Муаллиф Шарқ мутафаккирлари Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида, Аҳмад Яссавий “Ҳикматлар”ида тил, нутқ ҳамда нутқ маданияти ва одоби ҳақида айтган қимматли фикрларни таҳлил қилган. Туркий халқларнинг нутқ одобига оид ўғитларининг илк намуналари қадимий туркий ёзма ёдгорликларда учрашини таъкидлаб, уларнинг муҳим манба эканлиги, жумладан, Култегин ёдгорлигидаги кичик ёзувда табғачларнинг ширинсўз эканлиги ҳақида ва уларнинг хушмуомала билан йироқ элларни ўзларига яқинлаштирганлиги алоҳида эътироф этилган. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида нутқ маданияти ва одобининг қонун-қоидалари ҳамда нутқ меъёрларига амал қилиш масалаларида муаллифнинг ўз фарзандига насихатлари таҳлил этилиб, муайян хулосалар чиқарилган. Замонамиз тилшуносларининг илк куртаклари узоқ ўтмиш билан боғлиқ эканлиги хусусидаги қарашлар асослаб берилган. Унда нутқнинг коммуникатив сифатлари деб тан олинган нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, жўялилиги, ифодалилиги каби сифатлар Шарқ алломалари асарлари бадиий қимматини оширишда ҳам хизмат қилганлиги мисоллар ёрдамида тушунтирилган. Ушбу сифатларга амал қилиш нутқ маданияти ва одоби деган тушунчаларни тўғри англаб етишга хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: тил; сўз; нутқ; нутқ одоби; нутқ маданияти; чиройли нутқ; ростгўйлик; чин сўз.

Аннотация. В статье приведены сведения об исторических корнях риторики и этики, проанализированы размышления восточных мыслителей о языке, речи, культуре речи,

например, приведенные в книге Кайковуса “Кабус-наме”, Ахмада Югнаки “Хибат аль-хакаик”, Юсуфа Хос Хаджиба “Благодатное знание”, Ахмеда Яссави в его “Хикматах”. Автор статьи утверждает, что первые образцы назиданий тюркских народов о культуре речи встречаются в рунических письменах, которые обобщенно в науке называются древнетюркскими письменными памятниками. В частности, в небольшом фрагменте из “Памятника Куль-тегин” отмечается, что китайцы очень сладкоречивы, которые своей вежливостью и красноречивостью сблизил дальние края. В статье проанализированы правила культуры речи и этики, приведенные в книге Кайковуса “Кабус-наме”, а также дидактические наставления автора, адресованные своему сыну. Показано, что зарождение взглядов современных лингвистов на историю этой области связаны с далеким прошлым. Признанные в нем коммуникативные качества речи, такие как точность, логичность, чистота, насыщенность, красноречие, выразительность речи, способствовали повышению художественной ценности произведений востоковедов. Применение этих характеристик было проанализировано на примерах, которые послужили ясным пониманию таких понятий, как культура речи и этикет.

Ключевые слова: язык; слово; речь; культура речи; риторика; красивая речь; правдивость; честное слово.

Abstract. The article provides information on the historical roots of speech culture and etiquette in the works of Kaykovus, one of the thinkers of the East, "Kabus-name", Ahmad Yughnaki "Hibbat ul-hakayik", Yusuf Khos Hajib "Kutadgu bilig", as well as Ahmed Yassavi's "Hikmat". The study notes that the first samples of the Turkic peoples' edification about the culture of speech are found in runic writings, which are generally referred to as ancient Turkic written monuments. In particular, in a small fragment from the "Kul-tegin Monument" it is noted that the Chinese are very sweet-tongued, who, with their politeness and eloquence, approached the distant lands with their sweet treatment. The article analyzes the rules of the culture of speech and ethics, given in the book "Kabus-name" by Kaykovus, as well as its observance by his son. It has been shown that the origin of the views of modern linguists on the history of this field is connected with the remote past. Recognized communicative qualities of speech, such as accuracy, precision, logic, purity, richness, eloquence, expressiveness of speech contributed to an increase in the artistic value of the works of oriental scholars. The application of these qualities has been analyzed using examples that served a clear understanding of the concepts such as speech culture and etiquette.

Keywords: language; word; speech; etiquette of speech; culture of speech; good speech; truthfulness; genuine word.

Keywords: language; word; speech; etiquette of speech; culture of speech; good speech; truthfulness; genuine word.

Кириш. Ҳозирда тилшуносликда “тил маданияти” “нутқ маданияти” деб номланган тушунча одамларнинг ижобий ёки салбий муносабатининг таркибий қисми бўлиб, унинг талаблари турли тарихий даврларда жамият ва ижтимоий табақаларнинг тилга доир давлат олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ ҳолда ўзгаришларга ҳам учраб турган. Ўтмишда кишилар тил — инсон тарбияси ва

ахлоқ-одобининг, шунингдек, комилликка эришишнинг асосий воситаларидан бири, деб билганлар. Шу сабабли нутқ маданияти тушунчаси “нутқ одоби”, “нутқий ахлоқ” деб юритилган. Яъни чиройли гапиришга, ифодали нутқ сўзлашга одоб-ахлоқ нормаларидан бири дея қаралган.

Нутқ маданиятини илмий тушунча, лингвистик талаб ва ҳодиса деб тушуниш, асосан, адабий тил пайдо бўлиши ва адабий тилнинг қонун-қоидалари, мезонларига, меъёрларига амал қилиб ёзиш ва сўзлаш, маърифатга интилиш билан боғлиқдир. Мана шу маънода “Тил маданияти”, “Нутқ маданияти” тушунчаларининг ахлоқ-одоб категорияси лисоний категория, илмий тушунча ва халқона тушунча табиий-одатий ҳодиса ва илмий тушунча сифатидаги хусусиятларини фарқлаш лозим бўлади. Шунинг учун биз қуйида фанда ушбу тушунчалар пайдо бўлгунга қадар бизнинг аждодларимиз қандай қарашлар орқали ёндашганликлари тўғрисида фикр юритамиз.

Асосий қисм. Ҳозирда нутқ одоби деб юритилаётган нуктаи назарлар жуда қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқнинг удумларида сақланиб, бизгача етиб келган.

Фикр юритилаётган муаммонинг ниҳоятда қадимийлигини Марказий Осиё халқлари аждодлари томонидан яратилган улкан обида — “Авесто” асаридан ҳам билса бўлади. Маълумки, ушбу асар бундан икки минг етти юз йил олдин яратилган бўлиб, ўзбек халқи унинг қонуний маънавий меросхўридир. Чунки “Авесто” қадимий Хоразм заминида Амударёнинг кўҳна қирғоқлари бўйида ижод қилинган. “Авесто” қомусий асар бўлиб, унда ўтмиш аждодларимизнинг тарихига оид жуда кўп қимматли маълумотлар ўз аксини топган (16, 53). Мана шундай маълумотлар орасида тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда жуда кўп жойда такрор айтилишича, ўша давр дини ва маънавияти асосини эътиқод, эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал тушунчалари ташкил қилган (1, 56).

Филология фанлари доктори, профессор Эрнст Бегматовнинг ёзишича, “Авесто”да эзгу каломга ёвуз калом, қабиҳ сўз қарама-қарши қўйилади (2, 109). Чунки биринчиси адолатга, яратувчанликка чорласа, иккинчиси ёвуз, қабиҳ ниятлар, амалларга ундайди: “Мен бу уч нарсадан, — деб ёзилади “Авесто”да — қабиҳ андиша, қабиҳ сўз ва қабиҳ амалдан пушаймонман ва патит қиламан (қайтаман)” (1, 298). Шунингдек, “Авесто”да ростгўйлик, рост сўз, тўғри сўз улуғланар экан, ҳаққоний нутқ, ёлғончилик, ёлғон сўзга нафрат изҳор қилинар, бу ҳозирги даврда нутқ одоби олдига қўйилаётган талабларга жавоб беради.

Нутқ одоби борасида қадимий туркий халқлар, жумладан, ўзбеклар амал қилган асосий қонун-қоидалар, расм-русумлар ва меъёрлар қадимий туркий тил, эски ўзбек тилида ёзилган баъзи ёзма обидаларда яхши сақланиб қолган. Масалан, Кайковуснинг “Қобуснома”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойиқ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”ида буни ёрқин кўриш мумкин. Қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги қимматли ноёб мероси ўзбек шоири Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида маҳорат билан умумлаштирилган (12, 19).

Туркий халқларнинг нутқ одобига оид ўғитларининг илк намуналари фанда “Қадимий туркий ёзма ёдгорликлар” деб юритилувчи битикларда ҳам учрайди. Чунончи, “Қул Тегин ёдгорлиги”даги кичик ёзувда табғачларнинг чучук сўз эканлиги ҳақида гапирилади ва улар ўзининг ширин муомаласи билан йироқ элларни ўзига яқинлаштириши таъкидланади:

*Табғач будун сўзи чучук,
Оғизи юмишоқ эрмиш.
Сучук сўзи, юмишоқ қилиқ(ла) авраб,
Йироқ будунни анча яқинлатар эрмиш (17, 135).*

Ўтмиш ёзма обидаларнинг баъзиларида нутқ ва нотикликнинг талаблари анча кенг кўрсатиб берилганини кўраемиз. Бу жиҳатдан Кайковуснинг “Қобуснома” асарида айтилган мулоҳазалар характерлидир.

Кайковус, аввало, сўзнинг, сўз санъатининг аҳамияти ва мавқеини юқори қўяди. У ёзади: “Билгилким, ҳамма хунарлардан сўз хунари яхши...” (5, 30). Кайковус сўз хунарининг қуроли бўлган тил ва сўзларнинг қадрини ҳам юқори баҳолайди: “Сўзни жуда ҳам қимматли деб билгил, чунки (сўз) хор нарса эмасдир” (3, 39). Муаллиф тилни эгаллаш, ундан яхши фойдалана олиш ҳар бир киши учун тааллуқли, деб билади: “Киши суҳандон ва нотик бўлиши лозим” (5, 37).

Кайковус инсон нутқи ва унда ифодаланадиган мазмунни тўртга бўлади ва уларнинг хусусиятларини кўрсатиб беради: “Эй фарзанд, ... Сўз тўрт навъ бўлади: биринчиси — билишга айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси — билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар; учинчиси — билишга зарурияти йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси — билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар...” Бу тўрт сўзни баён қилдим. Буларнинг яхшиси — ҳам билиш, ҳам айтиш зарур бўлган сўздир” (5, 98).

Кайковус мана шу “ҳам билиш, ҳам айтиш зарур бўлган сўз” (нутқ) олдига қўйиладиган талабларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Бу талаблар қисқача умумлаштириладиган бўлса, қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Сўз (нутқ) маъноли бўлмоғи керак. Бу нотикликнинг биринчи шартидир: “Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганигда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушига ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар. Тўти ҳам сўзлайди, аммо сўзнинг маъносини билмайди” (5, 98).

2. Сўз (нутқ) содда, халққа тушунарли бўлмоғи керак. Бу нотиклик маҳорати аломатидир: “Шундай кишини нотик (суҳангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга маълум бўлсин. Бундай кишилар оқил (ақлли)лар қаторига киради, бўлмаса, инсон шаклидаги ҳайвондир” (5, 39).

3. Сўз (нутқ) ирод қилганда тингловчини ҳисобга олиш, мос равишда гапириш лозим. Бусиз нутқни тингловчилар қабул қилмайди, у тушунарсиз, кераксиз бўлиб қолади: “Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилким, у сенинг сўзингга харидорми ёки йўқми. Агар тингловчи сенинг сўзингга харидор бўлса, сўзингни айтгил (агар шу сўзингни харидор хоҳламаса), у сўзни қўйиб, эшитгувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сенинг сўзингга харидор бўлсин” (5, 40).

4. Сўз (нутқ)да мазмунни тўғри ифода қилишга интилиш керак. Нутқ шароитга мос равишда изҳор қилинмоғи лозим: *“Агар сўзни ва илми яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир”* (5, 40).

5. Нутқда тил бойлигидан ўринли, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишга интилиш керак. Бунда нутқ учун ушбу ҳолатда керакли бўлган сўз ва ибораларни танлай олиш муҳимдир: *“... ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи бетида яширинган бўлади, яъни бир сўзни бир иборат билан айтса бўлади, эшитган кишининг эса кўнгли паршион бўлади, шу сўзни бошқа бир иборат билан айтса, эшитган кишининг кўнгли баҳра олади”* (5, 38).

6. Сўз (нутқ) мазмундор бўлиши билан бирга, таъсирчан ҳам бўлмоғи керак. Бунинг учун тил луғат таркибидаги мавжуд сўз бойликлари, уларнинг маъно имкониятларидан фойдалана билиш керак: *“Ўзингга маълум бўлган ва яхши билган сўзларингни кўпроқ айтгил. Бемаъни сўзлар билан шарманда бўлмагил”*(3, 86). *“Агар сўзинг юксак (ва таъсирчан) бўлишини истасанг, киноя, истеҳзоли гапни (кўп) сўзлама, мумкин қадар истиораларни ишлатгил. Мадҳда истиорани ишлатгил”* (5, 98).

7. Сўз(нутқ)инг изчил, мантикли бўлсин: *“Агар мунозара қилишни истасанг, душманга қара, агар у билан тортишмоққа қувватинг етса ва сўз чўзилсин десанг, далиллар ва мисоллар билан мунозара қилгил. Бўлмаса сўзни тўхтатиб, бир мисолга қаноат қилгил, бир исбот билан тур, рад қилма, эҳтиёт бўлгилки, аввалги сўзингни кейинги сўзинг бузиб юбормасин”* (5, 85).

8. Сўз (нутқ)да маълум меъёр, ўлчов бўлмоғи, гап талаб даражасида гапирилмоғи керак: *“Охирги мақсадни аниқ баён қилишига, нафис сўзлашга ҳаракат қил. Жуда ҳам узун ва жуда ҳам қисқа сўзламагил ва бемаъни сўз демагил”* (5, 85).

9. Сўз (нутқ) нафис, кўркем, гўзал бўлмоғи керак. У таъсирчан бўлиб, кишиларда ҳавас, рағбат уйғотиши лозим: *“Охирги мақсадни аниқ баён қилишига, нафис сўзлашга ҳаракат қил”* (3, 85). *“Сўзинг икки томони бордир: бири гўзал томони, иккинчиси хунук томонидир. Халқ олдида гапирадиган сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин”. Яна: “...гўзал тил билан сўзлагил, кийимингни пок тутгил”* (5, 85).

10. Сўз (нутқ) жўшқин, таъсирчан бўлиши, кишиларни ҳаяжонга солиши, уларни бирор-бир мақсадга сафарбар қилиши керак: *“Таъсирли сўз айтгил, наъра урсинлар ва мажлисни қиздиргил. Халқ йиғласа, сен ҳам гоҳо йиғлагил”* (5, 85).

11. Сўзловчи баднутқ, бадхулқ бўлмаслиги, нутқида хунук, уят, дағал сўзларни қўлламалиги, мазах ва ҳазилдан ўз ўрнида фойдаланиши лозим: *“Ҳазил айб бўлмаса ҳам, ҳазилдан эҳтиёт бўл... Ҳазил қилиши мумкин, аммо ярамас сўз айтиши ёмон. Уят сўзларни айтма”* (5, 54).

Кайковус нотикнинг минбарда ўзини тутиб тура олиши, ҳаракатларининг нутқий жараёнга ҳамда нутқ мавзусига мос бўлишини нотикликнинг асосий талабларидан бири, деб баҳолайди ва бу масалада нотикларга бир қатор маслаҳатлар беради: *“Минбарда туриши одобини сақлагил, такаббурликдан, ёлгон сўзлашдан ва порадан узоқ бўл”. Яна: “Минбар устида суст, хўмрайиб, совуқ сўз бўлиб ўтирмагил. Ҳамиша ҳаракат қилиб тургил. Сўз айтаётган вақтингда мажлис аҳлига қарагил, агар нутқни тингласалар сўзлагил, агар афсона эшитишни тиласалар афсона айтгил. Чунки халқ сенга*

харидор бўлиб, ҳамма сени қабул этгандан сўнг, ҳеч нарсадан қўрқмагил” (5, 16).

Нутқ одоби ва маданиятига оид мулоҳазалар туркийшуносликда тарихий-қиёсий усулга асос солган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит- турк” асарида ҳам учрайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида тил, тил одоби, нутқнинг муомала, яхши ва ёмон сўз, ёқимли ва майин сўз, эзмалик ва чақимчилик, тўғри ва ёлғон сўз ҳақида айтилган фикрлар келтирилган. Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий баъзи ҳолларда ўзи ўрганган ҳар бир лаҳжа, шевалардаги фарқли ҳодисалар — қаттиқ ва юмшоқ талаффуз, дағал ва майин оҳанг, юмшоқ ва дағал (қўпол) муомала ҳақида ҳам фикрлар билдирган, улар бевосита нутқ одоби ва маданиятига дахлдордир. Келтирилган тушунчаларнинг аксарияти Кошғарий тўплаган материалда мужассам, олим яшаган даврда қадимий аждодларимиз, туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи аждодлари амал қилган лисоний этикодлар, анъаналар, қоидалардир.

Маҳмуд Кошғарий талқин қилишича, тил сўзи ўша даврда қуйидаги маъноларда қўлланилган: 1) тил — сўз (калом); 2) тил — сўз, луғат; 3) тил — душман ҳақида маълумот олиш учун тутиб келинадиган асир. Шунингдек, сўз, нутқ маъносида сав сўзи ҳам бўлган (8,168).

Маҳмуд Кошғарий турк (туркий)ларни бошқа бир ўринда мадх қилар экан, уларга хос қуйидаги фазилатларни қайд қилади: “Туркларда кўркамлик, ёқимлилик, одоблилик, сўзнинг устидан чиқишлик, дадиллик, камтарлик каби мақташга сазовор сифатлар сонун саноксиздир” (6, 335). Мана шу сон-саноксиз фазилатлардан бири турклардаги сўзга масъулият, нутқ одоби бўлган. Бунини Маҳмуд Кошғарийнинг ўз асарида келтирган қуйидаги фикридан билса бўлади: Мақолда шундай келган: “Эрдām башī тил — адаб ва фазилатларнинг боши тил. Бу ерда тил яхши сўз демақдир” (6, 323). Ушбу мақол “Девон”да икки марта (яна бир марта бошқа ўринда) тилга олинган (8, 147).

Маҳмуд Кошғарий луғатида нутқ одоби ва маданиятига оид бир қатор тушунчаларни англатувчи сўзлар ҳам изоҳланган. Улар иккига бўлинади:

1. Нутқ одобига оид ижобий хусусиятларни англатувчи сўзлар:

- ол мәнā эзгу сөз эшитурди — у менга яхши сўз эшиттирди (6, 227);

2. Нутқ одоби ва маданиятига оид салбий хусусиятларни англатувчи сўзлар:

- ушақ — чақимчилик (6, 144);
- кэwгī — чайналиб сўзлади (7, 23);
- мундī — алжиради, ақлдан озди, қари эр мундī — қари одам алжиради, ақлдан озди (7, 38);
- чīmғуқландī — чақимчи бўлди (7, 319);
- жалған — ёлғон, ёлғонлаш (8, 44).

Нутқ одобига оид қоидалар, маслаҳат ва насиҳатлар одоб-ахлоққа оид масалалар баён қилинган бир қанча ёзма адабиётлар мавжуд. Бунга “Синдбоднома”, “Калила ва Димна”, “Гулистон”, “Бўстон”, “Баҳористон”, “Ахлоқи Жалолий”, “Ахлоқи Муҳсиний” каби қимматли ёзма манбаларни кўрсатиш мумкин. Бу асарларда тасвирланган, баён қилинган воқеа-ҳодисалар, далиллар ва анъаналар ўша даврда ёнма-ён яшаган кўп халқлар маънавий дунёсининг умумлашма маҳсулидир. Шу билан бирга, XI–XV асрлар давомида

соф туркий тилда битилган кимматли ёзма ёдгорликларда, шу жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг хижрий 462 (мелодий 1069/70) йили ёзилган “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) ҳамда XIII аср бошларида яшаган Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар армуғони”) асарлари эътиборга лойиқдир.

Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий яшаб ижод қилган давр орасида деярли уч асрга тенг фарк бўлса ҳам, уларнинг нутқ одобига оид фикр-қарашлари бир-бирига жуда яқиндир. Қуйида бу икки муаллиф фикрларини таҳлил қилишга жазм этдик.

Тилнинг аҳамияти. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарининг бир ўрнида тилнинг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Унинг фикрича, тил кишини билим-маърифатга, эъзоз ва ҳурматга эриштиради:

*Ўқувга, билимга тилмоч — бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.
Кишини тил эъзозлайди, киши (у туфайли) бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёртади (15, 87).*

Тил ва дил бирлиги. Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, тил кўнгилдагини изҳор қилади, у киши фикрининг ифодачисидир:

*Тил сўз киши кўнглини билиш учун белги эди,
Кўнгул тил ола (яъни бошқа) бўлди, кимга ишонайин (15, 943).*

Тил киши кўнглидаги мақсад ва муродининг изҳори, ифодачиси экан, Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, инсоннинг тили билан дили бир хил, тўғри бўлиши керак. Демак, тил билан дил бир бўлиши лозим:

*Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор қулди (15, 205).*

Тил бахт ва бахтсизликка боис бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг фойдаси ва зарари ҳақида анчагина фикрлар баён қилган. Кўпгина Шарқ мутафаккирлари каби у ҳам агар тилдан тўғри фойдаланилса, у омад ва қут келтиради, деб ҳисоблайди. Тилни кишига қут-барака, бойлик ато қилувчи нарсалар қаторига қўяди:

*Ўзинг бу дунёда бойлик истасанг,
Тўғри бўл, сўзларингни тўғри тут,
Бундан ташқари, оламни қўлга киритмоқ истасанг,
Кўнгил, тил ва ўзингни тўғрилиқ билан тут (15, 303).*

Инсон топадиган эътибор ва обрўнинг манбаларидан бири тилдир. Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг, нутқий одобнинг инсон ҳаётидаги ролини шу даражада юксак баҳолайдики, бунга кўра киши тили туфайли подшоҳликка эришиши, аксинча, “яшил кўк”ка, яъни қанчалик юксакликка эришган бўлса, ундан жудо бўлиб, ерга қулаши мумкин:

*Киши сўз туфайли кўтарилади, малик бўлади,
Кўп сўз бошни ерга эгади (15, 87).*

Ўтмиш аждодларимиз тилни фақат инсонлар орасидаги мулоқот ва муносабат воситасигина эмас, балки инсонни тарбиялаш, тўғрилиқ ва адолатга ундаш, шахсдаги барча ижобий ва гўзал

фазилатларни рўёбга чиқариш, одамни улуғ ва мўътабар амалларга рағбатлантириш воситаси деб билганлар. Шу сабабли ўтмишда яшаб ўтган бирорта улуғ аллома йўқки, у ўз асарларида тил, нутқ, нутқий одоб ҳақида сўз, панду насиҳатларини, ҳикматли гаплари ва ноёб мулоҳазаларини ёзиб қолдирмаган бўлсин. Мана шу ўринда икки аллома: Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг тил, нутқ ва нутқ одобига оид фикрларини ҳам қисқача таҳлил қиламиз.

Абу Райҳон Беруний фикрича, тилнинг асосий вазифаси кишиларнинг ўзаро мулоқотини таъминлашдир: *“Тил — сўзловчи устагини эшитувчига етказувчи таржимондир”* (3, 46). Алломанинг ёзишича, таржимада, яъни нутқий мулоқотда муайян қийинчиликлар, тушунарсиз ўринлар бўлиши мумкин: *“Таржималарда, ибораларда ихтилоф бўлмай иложи йўқ. Шундай экан, сўзловчи тилнинг имкониятларини билиши, ундан тўғри, самарали фойдаланишга ҳаракат қилиши лозим. Чунки сўзлашдан, лисоний мулоқотдан мақсад шахсларнинг ўзаро фикр алмашишидир”* (3, 21). Яна *“Тилнинг вазифаси мавжудот ва ундан нарсаларнинг ҳар бирига ўзаро келишиши йўли билан бир исмни беришидир. Уларнинг ҳар бири ўша исмни айтган пайтда, айниқса, ҳалиги исмни айтган кишининг мақсадини англаши керак”* (3, 48).

Абу Али ибн Синонинг ўқитувчи нутқи, унинг қисқа, аниқ, ортиқча сўзлардан холи, тингловчининг ёши, ақлий даражасига мос бўлиши юзасидан айтган фикрлари Беруний мулоҳазалари билан ҳамоҳангдир (11,75). Ибн Синонинг фикрича, инсон ҳайвондан ақл билан иш қилиш, нутқий қобилиятга эгаллиги билан фарқланади. Инсон тили шунчаки мулоқот қилишдан иборат бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсир этишни ҳам кўзда тутаяди. Шу сабабли Ибн Сино *“Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади”*, деб ҳисоблаган (11, 86). Ибн Сино кўзда тутаядиган *“тилнинг кучи”* тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- нутқ мулоқотдошларни тилга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, уни қадрлашга ўргатади;
- нутқ сўзловчинини тилнинг буюк бойлиги ва имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланишга ўргатади;
- нутқий мулоқот кишиларни ахлоқий фазилатларга ундайди, унда яхши хулқ меъёрларини шакллантиради;
- нутқ одамни гўзаллик ва нафосатни қадрлашга чорлайди, инсонда эстетик дидни тарбиялайди.
- нутқ нафосатни англашга ундабгина қолмайди, балки тилнинг ўзи ҳам нафосат, гўзалликнинг бетакрор тимсоли, намунаси эканини тушунишга йўл очади. Пировардида, нутқнинг ўзи ҳам ҳавас ва тақлид қилинадиган гўзаллик тимсолига айланади ва нотиклик санъати камол топади. Ибн Синонинг фалсафий, ахлоқий қарашлари орасида нутқ одоби ва маданиятига оид мулоҳазалар ҳам мавжуд (4, 15).

Тил ўз эгаси бўлган халққа холисона хизмат қилади. Аммо тилдан нотўғри фойдаланувчилар унинг табиийлигини, холисона хизматини бузиши, тилни салбий манфаатларни ифода этувчи қуролга айлантатириши мумкин. Мана шу маънода Абу Райҳон Беруний айтган қуйидаги фикр ғоят ибратлидир: *“Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатида ёлгон хабар тарқатиши ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлгон хабар тарқатмасдан*

тинчиёлмайди. Бу ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади” (3, 65).

Абу Райҳон Беруний ёлғончилик одатини ташлаш, ростгўйликка ўтиш ҳам хосиятли фазилат деб ҳисоблайди: “Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди” (3, 65). Беруний тўғри сўз, ростгўйликни жанг майдонида кўрсатиладиган жасорат, баҳодирлик билан тенглаштиради: “Аmmo унинг (баҳодирликнинг) ҳамма турлари ичида энг юқори даражаси бир хили — тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни тисанд қилмасликдир. Ҳамманинг табиатида адолат бевосита севибли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби, ростгўйлик ҳам...” (3, 65). Берунийнинг қайд этишича, ростгўйлик кишига мамнуният, лаззатли ҳис бағишлайди: “...лекин ростгўйликнинг ширинлигини тотмаган ёки ширинлигини билса ҳам тотини истамайдиган киши уни севайди” (3, 65).

Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино асарларида нутқ одобидан ташқари, нутқ маданиятининг лисоний томонларига оид фикрлар ҳам учрайди. Чунончи, Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгилардан ташқари, нутқ техникаси, нотик амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, нутқий фаолиятда овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: “Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқини паст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқини ҳам узоқ давом эттирмаслик керак” (11, 52). Абу Райҳон Берунийнинг асарларида сўз, унинг аҳамияти, сўзни тўғри қўллаш ва сўз қўллаш меъёрлари, тилдаги ўзлашма сўзлар ва баъзи сўзлар, исмлар, баъзи мансаб, лақаблар, хунар номлари, топонимлар, этнографизмларнинг маъно этимологиясига, ҳарф ва ёзувнинг аҳамиятига оид қимматли фикрлар учрайди. Булар орасида бевосита нутқ маданияти ва тил эстетикасига алоқадор бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Хулоса. Демак, тилга сиғиниш, сўз култи жуда қадимий ҳодисадир. Шунга кўра, ўтмиш давр кишилари шахснинг нутқи инсонни бахтли ёки бахтсиз қилишга сабабчи бўлади, деб ишонганлар. Шу боис тилдан эҳтиёткорлик билан, мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари, муайян меъёрлари яратилган. Ушбу қоидаларга амал қилиш **нутқ маданияти ва одоби** деб юритилувчи тушунчаларни англаб етишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. — Тошкент: Шарк, 2001. — 127 б.
2. Бегматов Э. “Авесто”да нутқ маданияти ва одобида оид талқинлар / Истиклол ва тил. — Тошкент: Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, 2007. — 111 б.
3. Беруний Абу Райҳон. Ҳикматлар. — Тошкент: Ёш гвардия, 1973. — 103 б.
4. Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. — Тошкент. Ўқитувчи, 1980. — 32 б.
5. Кайковус. Қобуснома. — Тошкент: Ўқитувчи, 1968. — 134 б.
6. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 томли. — Тошкент: ЎзФА, 1960. I том. — 499 б.

7. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 томли. — Тошкент: ЎзФА, 1961. II том. — 427 б.
8. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. 3 томли. — Тошкент: ЎзФА, 1963. III том. — 463 б.
9. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Индекс-луғат). — Тошкент: ЎзФА, 1967. — 550 б.
10. Маҳмудова Н. “Авесто”да шахс тарбияси ва ахлоқий масалалар. Филол. фанлари номзоди дисс.автореф. — Тошкент, 2005. — 23 б.
11. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. — Тошкент: Ўқитувчи, 1967. — 98 б.
12. Самадов Қ. Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби. — Тошкент, — 1962. — №1. — Б. 19–23;
13. Санақулов У. Маҳмуд Кошғарий ҳикматлари. — Самарқанд, 1997. — 70 б.
14. Умрқулов Б. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби. — Тошкент, 1981. — №2. — Б. 26
15. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. — Тошкент: Фан, 1971. — 158 б
16. Ўрозбоева Н. Авесто — антик тарихимизнинг бой тарихий манбаи / Авесто — буюк қомусий асар. — Тошкент, 2001. — 127 б.
17. Қаяюмов А. Қадимият обидалари. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. — 184 б.

References

1. Avesto, *Asqar Mahkam tarzhimasi* (Avesto. Translation of Askar Mahkam), Tashkent: East, 2001, 127 p.
2. Begmatov E., *Istiqlol va til* (Independence and language), Tashkent: Uzbekistan State University of world languages, 2007, 111 p.
3. Berunii Abu Raihon., *Hikmatlar* (Proverbs), Tashkent: Young guard, 1973, 103 p.
4. Zhonmatova N., *Abu Ali ibn Sino ta"lim-tarbiya tugrisida* (On the education of Abu Ali ibn Sina), Tashkent: Teacher, 1980, 32 p.
5. Kaikovus., *Qobusnoma* Tashkent: Teacher, 1968, 134 p.
6. Mahmud Koshgarii., *Devonu lugotit turk, 3 tomli* (Devonian dictionary turk), 3 volumes, Vol. I, Tashkent: Academy of Sciences of Uzbekistan 1960, 499 p.
7. Mahmud Koshgarii., *Devonu lugotit turk, 3 tomli* (Devonian dictionary turk), 3 volumes, Vol. II, Tashkent: Academy of Sciences of Uzbekistan 1961, 427 p.
8. Mahmud Koshgarii., *Devonu lugotit turk, 3 tomli* (Devonian dictionary turk), 3 volumes, Volumes III, Tashkent: Academy of Sciences of Uzbekistan, 1963, 463 p.
9. Mahmud Koshgarii., *Devonu lugotit turk* (Indeks-lugat) (Devonian dictionary turk, Index-dictionary), Tashkent: Academy of Sciences of Uzbekistan 1967, 550 p.
10. Mahmudova N., *Avestoda shakhs tarbiyasi va akhloqii masalalar* (Personal upbringing and moral issues in the Avesta), Filol. candidate of sciences diss. avtoref. Tashkent, 2005, 23 p.
11. Rahimov S., *Abu Ali ibn Sino ta"lim va tarbiya haqida* (On the education of Abu Ali ibn Sina), Tashkent: Teacher, 1967. 98 p.
12. Samadov Q., *Sovet maktabi*, Tashkent, 1962, No.1, pp. 19–23;
13. Sanaqulov U., *Mahmud Koshgarii hikmatlari* (Proverbs of Mahmud Koshgari), Samarkand, 1997, 70 p.
14. Umrqulov B., *Sovet maktabi*, Tashkent, 1981, No. 2, pp. 26
15. Yusuf Khos Hozhib., *Qutadgu bilig*, Tashkent: Sciences, 1971, 158 p.

16. Urozboeva N., *Avesto — buyuk qomusii asar* (Avesto is a great encyclopedic work), Tashkent, 2001, 127 p.
17. Qayumov A., *Qadimiyat obidalari* (Monuments of antiquity), Tashkent: Literature and Art, 1972, 184 b.